Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

№ 171 (21. 270) 1992 йил 29 август, шанба Нархи 3 сўм

ЖАҲОН БИЗНИ ҚУТЛАМОҚДА

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги арафасида мустақил давлат бошлиғи И. А. Каримов номига давлат раҳбарларидан, таниқли жамоат ва сиёсат арбобларидан табрик телеграммалари келди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙИЛАРИГА

Тошкент

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни ва Америка халқининг қутловларини зўр мамнуният билан йўллайман.

Республикангиз мустақилликнинг илк йилини нишонлаётган пайтда жаҳон аҳли минтақангизнинг қадимий ва бой тарихини яхши билиб олди ва унга чуқур эҳтиром билан қарамоқда.

Америка халқи Ўзбекистон халқи билан биргаликда эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий ислоҳотлар учун шарт-шароит яратишга кўмаклашишга тайёрдир, бинобарин иккала мамлакатимиз ўртасидаги тағин ҳам мустаҳкам ва кенг муносабатлар ривожланишига умид қиламан.

Мамлакатингизга кўп йиллар тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва озодлик тилайман.

Самимий эҳтиром ила Жорж БУШ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ Ислом КАРИМОВ ОЛИЙ ЖАНОБЛАРИГА

Жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз олий жанобларини самимий табриклайман, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожланаверсин, мустаҳкамланаверсин.

Франция Республикасининг Президенти Франсуа МИТТЕРАН.

* * *

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мустақилликнинг бир йиллиги муносабати билан Сизни ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини беларусь халқи номидан самимий табриклайман.

Республика Олий Кенгаши Мустақиллик тўғрисидаги декларацияни эълон қилгач, Ўзбекистон демократия ва ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш йўлига ўтди. Шу билан давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очилди, Беларусда бунга катта аҳамият берилмоқда. Биз бундан буён ҳам ана шу икки томонлама муносабатларни, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ҳамкорлик, тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлашга ҳаракат қила берамиз.

Сизнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш муддаоингизни самимий қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбек халқига беларусь халқи номидан фаровонлик, бахт-саодат, эсон-омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз.

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати

* * *

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги арафасида Сизни ва Ўзбекистоннинг кўп миллионли халқини шу буюк миллий байрам билан самимий табриклаймиз.

Тақдир тақозоси билан меҳмондўст Ўзбекистон ва унга чегарадош давлатлар заминида иккинчи ватанига эга бўлган корейс фуқаролари истиқомат жойидан кўчириб юборилганлар учун қийин дамларда уларни қариндош-уруғлардек ўз оиласига қабул қилган кишиларга ҳамиша миннатдорлик билдирадилар.

Бошқа минтақаларда, айниқса Ўзбекистонга қўшни минтақаларда юз берган воқеалар республика раҳбарияти барқарорликни, Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигини ва давлат истиқлолини сақлаб қолиш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилаётганини кўрсатди.

Республика меҳнаткашлари, шу жумладан, корейс миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо этиб қабул қилинганини, жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар, жумладан, КХДР ва Корея Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганини айни Сиз ўтказаётган сиёсатнинг натижаси деб билмоқдалар.

Хорижий мамлакатларга давлат делегацияларининг ташрифлари, Ўзбекистонга турли делегацияларнинг келиши давлатимизнинг обрў-эътибори ошганлигидан далолат бермоқда.

Ўтган бир йил ичида кўп иш қилинди, аммо тағин ҳам кўпроқ иш қилиш лозим бўлади. Сизнинг раҳбарлигингизда мустақил Ўзбекистон гуллаб-яшнаган ўлкага айланишига ишончимиз комил.

Кореянинг бирлашишга кўмаклашиш халқаро уюшмаси (КБКЎ)нинг 85 минг аъзоси номидан П. КАН.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўтган йилнинг 28 декабрь куни олис Шарқдан бир хушхабар келганди. Унда Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигини расман тан олгани маълум қилинган эди.

Мана, орадан роппа-роса 8 ой ўтиб, Япония ҳукумати Ўзбекистон билан дипломатия алоқалари ўрнатишга киришди. 28 август куни Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинланган Сумио Эдамура мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Элчи Япония ҳукуматининг Ўзбекистон халқига миллий Мустақиллик байрами муносабати билан йўллаган самимий табригини етказди ҳамда мамлакат келгусида бу ўлка билан тенглик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди. Элчи сифатида икки давлат ўртасида дўстона муносабатлар ривож топиши учун бор куч ва тажрибамни ишга соламан, деб ишонтирди.

Президент И. Каримов Япония ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилаётганидан мамнуният изҳор қилди ва элчининг айнан мамлакатимизнинг Мустақиллик байрами арафасида ишонч ёрлиқларини топшираётганида рамзий маъно бор, деб таъкидлади.



СУРАТДА: Ишонч ёрлиқларини топшириш пайтида. (ЎзА).

И. Каримов С. Эдамура жанобларига Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан буён ўтган қисқа вақт мобайнида анча ишлар қилингани, ташқи алоқалар муваффақиятли ривожланаётгани хусусида сўзлаб берди. Дипломатия алоқалари ўрнатилиши иккала давлат ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга имкон беради. Республикамиздаги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, миллатлараро тотувлик ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ислоҳотларнинг аниқ миллий режаси мавжудлиги, ниҳоят хорижий ишбилармонлар ва сармояларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларга имтиёзлар бериш тўғрисида қабул қилинган қонунлар Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка янги истиқболлар очади, деб ишонч билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов ҳозир бўлди.

Фахриддин НИЗОМ, ЎзА мухбири.

ТЎЙ МАСЛАҲАТИ

27 август оқшомида республика Президенти Ислом Каримов бошлиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари мамлакатимиз мустақиллиги кунига бағишланган байрам тантаналари ўтказиладиган Мустақиллик майдонида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ташкилий ишлар билан танишдилар.

Бир неча кундирки, республикамизнинг бош майдони байрам либосида — азиз меҳмонлар, санъаткорлар учун ҳозирланган жойлар, саҳналар бежиримлиги, тантанаворлиги билан кўнгилда завқ, ифтихор уйғотади.

Майдон марказига ўрнатилган мустақиллик рамзи — улкан ер курраси бағрида Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди тасвири дунё харитасида навқирон ва мардона давлат пайдо бўлганидан далолат бериб турибди. Нурафшон чироқлардан таралаётган камалакнусха зиё майдонни, теваракатрофни ёғдуга кўмиб, эртакнома руҳ ва фусун касб этади.

Республика Президенти ва унга ҳамроҳлик қилган ҳукумат раҳбарлари ана шу «Боғи эрам» ижодкорлари билан учрашиб, зарур чоратадбирлар ҳақида кенгашиб олдилар. (ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ва қадрли юртдошлар! Оға-ини, опа-сингиллар!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллик тўйи билан сизларни чин юракдан муборакбод этамиз.

Бугун ўз эрки, она юрти озодлиги учун асрлар давомида курашган ота-боболаримизнинг орзу-умидлари ушалди. Дунёдаги барча ҳур мамлакатлар билан тенг Ўзбекистон ўз қадр-қимматини шиддат билан тиклаб олди. Меҳнаткаш халқимиз ўз ақл-заковати ва куч-ғайратига, мўл-кўл табиий бойликлари, миллий ва умуминсоний қадриятларига ҳамда илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ўзига хос тараққиёт йўлидан бормоқда. Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон бутун жаҳонга танилди. Шарқу Ғарб унинг тинчликсеварлик, инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка даъват этувчи ички ва ташқи сиёсатини маъқулламоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар унга ўз эшикларини кенг очдилар.

Албатта, мустақиллик йўли бу мураккаб ва машаққатли йўлдир. Муаммо ва қийинчиликлар ҳам кўп. Лекин биз, барча ўзбекистонликлар мустақиллигимиздек муқаддас мақсадни кўзлаб, республикамиз Президенти, партиямиз Раиси Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватласак, унга ҳар биримиз ўз амалий ишларимиз билан жавоб берсак, муаммоларни бартараф этишимиз, олдимизда турган улкан вазифаларни уддалашимиз аниқ. Бунинг учун биз бутун фикру-зикримизни, куч-ғайратимизни шу улуғ мақсадга қаратишимиз, ҳамжиҳатлик ва осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз зарур.

Азиз дўстлар! Мана шу шодиёна онларда хонадонларингиздан тинчлик, тотувлик, қут-барака аримасин, деб ният қиламиз. Мустақиллик ҳаммангизга бахту-саодат келтирсин. Истиқлол қутлуғ бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

БОШ МАЙДОНГА МАРҲАБО

● 31 АВГУСТДА

● СОАТ 18.00 ДА. Тошкентдаги Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга бағишланган байрам тантаналари бошланади. Карнай-сурнайлар катта шодиёнадан дарак бериб наъра тортади. Парпираб турган вертолётлар «Мустақиллик», «Тинчлик», «Ҳамкорлик» каби сўзлардан иборат рамзларни намойиш этадилар. Шундан кейин театрлаштирилган томошалар бошланади. Томошабинлар «Буюк ипак йўли» ҳақидаги тасаввурга эга бўладилар. Болалар жамоаларининг чиқишлари ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Ҳаваскорлик жамоалари ҳамда Ўзбекистоннинг таниқли санъаткорларига саҳна бўшатиб берилади.

● СОАТ 20.50 ДА. Мустақиллик майдонида оммавий сайллар бошланади.

● БИРИНЧИ СЕНТЯБРДА

● СОАТ 11.00 ДА. Байрам қатнашчилари ва меҳмонлар Тошкентнинг Анҳор суви бўйларига тушадилар. Ўрда кўпригидан Ўзбекистон кўчасигача жойлашган мазали чойхоналар, савдо шохобчалари, очиқ саҳналар гавжумлашади. Бу ерларда қўшиқ, мусиқа, аския авжига чиқади. Анҳор бўйлаб қайиқларда сузишлар бўлади. Гагарин хиёбонида ўрнатилган саҳнада «Мақом», «Бойсун», «Анор» каби дастурларнинг қатнашчилари чиқишлар қиладилар.

● СОАТ 18 ДАН 23.00 ГАЧА. Мустақиллик майдонидаги очиқ саҳналарда «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», «Тановар», «Зарафшон» каби таниқли дасталарнинг санъаткорлари кўпчиликни хушнуд этадилар. Ғуломжон Ёқубов, Ортиқ Отажонов, Ҳайрулла Лутфуллаев, Бобомурод Ҳамдамов каби хушовоз хонандалар янги қўшиқларини хониш қиладилар.

● СОАТ 11.00 дан 21.00 ГАЧА Тошкентнинг К. Маркс кўчасида тантаналар бўлади. Навоий шаҳрининг «Дилрабо» ҳамда Чилонзор районининг «Диёр» ҳаваскорлик дасталари байрамга алоҳида дастур тайёрлашган.

● СОАТ 11.00 ДА. Алишер Навоий номли театр майдонида байрамга бағишланган сайллар уюштирилади. Болаларнинг «Мустақиллик» деб аталган байрам дастури хилма-хил бўлиб, концертлар, спортчиларнинг чиқишлари кўзда тутилган. Болалар «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мавзуида майдонга турли расмлар соладилар.

● СОАТ 11.00 ДА. «Ўзбекистон» миллий боғидаги очиқ саҳналарда ҳаваскорларнинг чиқишлари бошланади. «Сувдаги байрам» томошалари бўлади. Алишер Навоий ёдгорлиги ёнида мушоира ўтказилади.

● СОАТ 18.00 ДА. Халқлар Дўстлиги майдонида халқ оғзаки ижоди гуруҳларининг чиқишлари уюштирилади. Қадимий халқ санъати ва ўйинлари, анъана ва удумлар намойиш этилади.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Президент И. А. Каримовнинг 1992 йил 28 августдаги фармонига биноан халқ хўжалиги барча тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларнинг катта гуруҳи, маданият, илм-фан ходимлари, ижодий ташкилотларнинг намояндаларига Ўзбекистон Республикаси Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари берилди.

Фармоннинг матни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномасида ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

РАҲМ-ШАФҚАТ БЕЛГИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг бир йиллиги муносабати билан эҳтиётсизлик натижасида ва жамият учун хавфли бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат ва инсонпарварлик кўрсатиб амнистия ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖОДКОР ЕШЛАРИНИ ДАВЛАТ ИЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижодкор ёшларнинг маънавий камол топиш шароитларини яхшилаш, уларнинг фаолиятини кучайтириш ҳамда республиканинг маданий ва илмий-техникавий потенциалига қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 1993 йилнинг 1 сентябригача бўлган муддат ичида Нукус шаҳрида, барча вилоят марказларида республика ижодкор ёшларининг энг муҳтож қисми учун 30 хонали, Тошкент шаҳрида эса 60 хонали уй-жой биноларини лойиҳалаш ва қуришни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ана шу уйлардаги турар жойларни тегишли ижодий уюшмалар ва илмий ташкилотларнинг тавсиялари асосида бериш тартибини ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикасининг Истиқболини белгилаш ва статистика давлат комитети ҳамда Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши билан биргаликда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 10 кун муддат ичида мазкур уйларни лойиҳалаш ҳамда қуришни пул билан таъминлаш манбаларига оид масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилсинлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари вазирликларига ,Кинематография давлат компаниясига ва Фанлар академиясига ижодий уюшмалар ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддат ичида қуйидаги таклифларни киритиш топширилсин:

— ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида;

— республика мактаб олимпиадаларининг, ижодкор ёшлар халқаро ва республика танловларининг голибларини моддий рағбатлантириш, уларни қириш имтиҳонларисиз ўз соҳаси бўйича олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида;

— аълочи талабалар ва аспирантлар учун Ўзбекистоннинг атоқли фан ва маданият арбоблари шарафига номли қўшимча стипендияларни таъсис этиш ҳақида;

— ижодкор ёшларнинг асарлари ва ишларини босиб чиқаришни яхшилаш тўғрисида;

— коммунал ва маиший хизмат ҳақини тўлашда, жамоат транспортидан фойдаланишда ижодкор ёшлар учун имтиёзлар бериш ҳақида;

— истеъдодли ёшларни чет элларга ўқиш ва малака ошириш учун юбориш тўғрисида.

3. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош солиқ бошқармаси 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон ижодий уюшмаларини асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича солиқлардан озод қилиш ҳақида таклифлар киритсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичида ушбу Фармонни бажаришга оид ташкилий чора-тадбирларни таъминловчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 август.

Японияннинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сумио ЭДАМУРА

1932 йилда Киото префектурасида туғилган.

1949—1952 йилларда Киото давлат университетида таълим олган.

1952 йилда дипломат мансабида ишлаш учун имтиҳон топшириб, Япония Ташқи ишлар вазирлигида ишлай бошлаган.

1965 йил — Япония Ташқи ишлар вазирлиги Шимолий Америка мамлакатлари департаменти Шимолий Америка мамлакатлари бўлимининг мудири.

1967 йил — Япония Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодий департаменти АҚШ ва Канада бўлимининг мудири.

1969 йил — Японияннинг Индонезиядаги элчихонасининг маслаҳатчиси.

1971 йил — Испаниядаги элчихона маслаҳатчиси.

1973 йил — Япония Ташқи ишлар вазирлиги хорижий ваколатхоналар бўлимининг мудири.

1978 йил — ташқи ишлар вазири ўринбосарининг парламент ишлари бўйича ёрдамчиси.

1979 йил — Гонконгдаги бош консул.

1981 йил — Япония Ташқи ишлар вазирлиги Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари департаментининг бош директори.

1983 йил — Япония ташқи ишлар вазири ўринбосарининг муовини.

1984 йил — Японияннинг Испаниядаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

1987 йил — Японияннинг Индонезиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

1990 йил — СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчи.

1991 йилда Японияннинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

1992 йил августидан бошлаб айни бир вақтда Японияннинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчисидир.

Уйланган.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги.

И С Т И Қ Л О Л

етказиб берувчи асосий республикадир. Иқлим шароитлари мева-сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа ғоят қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёсини нафақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун, балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалига эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал-хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартишларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан халқ хўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккаҳокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатдан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишда намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккаҳокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда.

Юқорида қайд этилган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам алоҳида, ҳам биргаликда ҳозирги босқичда Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли — мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради.

УЗБЕКИСТОН — ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ЖАМИЯТИ

Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад — чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу—инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Сиёсий соҳада бу қуйидагиларни билдиради:

— халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим;

— қонун чиқарувчи, ижро, этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;

— барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устивор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;

— Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожиали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол Республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

(Давоми. Боши газетанинг 27-28 август сонларида).

12. 13. 14. 15.

• *Қўшалоқ байрам муборак!*

БАЛИҚНИНГ МУЗЛАГАНИ ЯХШИМИ, ЯНГИСИМИ?

● Мустақиллигимизнинг бир йиллигини Ўзбекистон балиқ етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш концерни ходимлари ўзгача шодиёна билан кутиб олишмоқда. Улар шу улуғ айём кунларида ўз касб-ҳунар байрамларини ҳам нишонлаяптилар.

— Балиқчилик — аҳолини етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг муҳим тармоқларидан бири, — дейди «Ўзбалиқ» концерни бошқармасининг бошлиғи Р. Б. Қурбонов. — Лекин шу пайтгача бу соҳани талаб даражасида ривожлантиришга эътибор берилмай келди. Қайта ишлаш саноатимиз корхоналарида олис... Тинч океанидан музлатиб ташиб келинган балиқлар тайёрланди. Орол суви қайтиши муносабати билан маҳаллий хом ашё тармоғи кескин камайди. Бу муаммолар охир оқибат аҳоли дастурхонини ғариблаштирди. Ваҳолонки, мавжуд табиий ва сунъий сув ҳавзалари, иқлим шароитларимиз балиқлар тури ва салмоғини қўпайтиришга етарли.

Мана, мустақиллик қўлимизга тегди. Концерн раҳбарияти ва мутахассислари тармоқни босқичма-босқич ривожлантириш режасини ишлаб чиқдилар. Бу йил 80,6 минг тонна балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариладиган бўлса, режага мувофиқ икки йилдан кейин бу кўрсаткич 144,3 минг тоннани ташкил қилади. Ўзимизда овланадиган балиқ миқдори 28 минг тоннадан 40 минг тоннага етказилади.

— Демак, дастурхонимизда музлатилган эмас янги балиқ маҳсулотлари анча кўпаяди, десак бўлди.

— Худди шундай, 12 минг тоннага кўпаяди. Бунинг учун ҳовузларда балиқ етиштиришда замонавий биотехника жорий этилади. Ишлаб турган корхоналар кенгайтирилиб, қувватлари орттирилади. Энергетика, кимё, металлургия, газ саноати ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш бўлинмалари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этилади. Албатта янги сув хавзалари, сув омборларини ўзлаштириб, уларда балиқ урчитиш ва боқиш ишлари йўлга қўйилади.

— Руҳилло Бурхонович, халқимизда мақол бор: «Балиқ бошидан...» Овланган янги балиқ қўпайиб кетса, уни сақлаш, керагида ишлатиш масаласи қандай ҳал қилинади?

— Тўғри савол. Ҳозир концерн балиқ маҳсулотларининг янги турларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини қўпайтириш йўлларини изламоқда. 4 та йирик совутгич, балиқ заводи, балиқ хасипи, хасипча учун тайёр масаллиғ, балиқдан юпқа лочира тайёрловчи бешта линия ишга туширилади. Балиқчилик саноатимизда шу тариқа туб бурилиш деймизми, катта сакрашми рўй беради. Мақсад: мустақил Ўзбекистон халқи ризқига ризқ қўшиш.

Суҳбатдош:
А. АБДУБАННОПОВ.

● «Ўзбалиқ» концерни 32 та мустақил тузилмадан иборат. Бундан ташқари 4 та балиқчилик жамоа хўжалиги, 9 та вилоят базаси, Чиноз аралаш озуқа заводи ва илмий-лойиҳалаш ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда.

● Умумий ҳовузлар сатҳи 12 минг гектар. Ички сув ҳавзалари 457 минг гектар, жумладан, 317 минг гектар кўл ва 140 минг гектар сув омбори мавжуд.

● Тармоқ корхоналари бу йил 31,6 минг тонна товар озуқа маҳсулоти чиқаради. МДҲ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон ҳовуз балиғи етиштириш бўйича учинчи ўринда ҳосилдорлик бўйича (24,8 ц га) эса у биринчи ўринни эгаллаб турибди.

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг клубига журналистлар ва матбаачилар йиғилишди. Бу ерда алоҳида ўрнак кўрсатган республика газеталари ва журналлари таҳририятларининг ҳамда концернинг ходимларига кўкракка тақиладиган «Мустақиллик» эсдалик нишони ҳамда гуноҳномаси топширилди. Улар Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этганлиги ҳамда Мустақиллик кунининг бир йиллиги муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлдилар.

Мукофотланганлар орасида «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси таҳририяти ходимларидан: Марфуа Абдуқодирова, Нигора Азимова, Юсуф Бердиев, Юнус Зиёдов, Машкура Мирзамуҳамедова, Владимир Молгачев, Миршароф Муҳсимов, Тўлаган Нажмиддинов, Фароҳат Низамова, Ҳайдар Носиров, Каримжон Рихсиев, Исмоил Сулаймонов, Ҳамид Султонов, Рафиқ Турсунов, Эркин Хўжаевлар бор.

Мукофотлар муборак бўлсин!

• *Акс-садо*

АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ СИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ИЙЛ 30 ИЮЛЬ.

Ушбу сарлавҳа остидаги мақолада Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан саноатнинг яна бир янги тармоғи — автомобилсозлик вужудга келаётгани ҳақида ҳикоя қилинганди. Уша мақолада таъкидланганидек, Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги трактор прицеплари заводини турли хизмат кўрсатадиган автомобиллар — кичик ҳажмдаги енгил автомобиллар, енгил юк машиналари ва кичик автобуслар ишлаб чиқарадиган корхонага айлантиришга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея Республикаси ҳамкорлигида барпо этилаётган қўшма корхона 1993 йил охирида маҳсулот бера бошлайди. Бу хушхабардан дарак топган муштарийлар мустақил Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган илк автомобилларга қизиқиб қолдилар ва уларни қандай номлаш ҳақида таҳририятга қўнғироқлар қилиб, мактублар йўлламоқдалар. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

— Очиғини айтсам, Ўзбекистон мустақиллиги нималарга қодир эканини амалда кўра бошладик, — деб хат йўллабди **андижонлик муштарий, уруш ва меҳнат фахрийси Собиржон Марасулов,** — Шу кунларга етказганига шукур. Мана, ўз автомобилимизга ҳам эга бўладиган кунлар яқинлашмоқда. Асакада қурила бошлаган енгил автомобиллар заводи шунга мисол.

Ишончимиз комил бўлиб турибдики, орадан бир йил вақт ўтиб Ўзбекистон ҳудудида автомобилсозлик вужудга келади. Бу — қувончли воқеа, ғурурланса арзийдиган янгилик!

Халқда қизиқ таомил бор. Бола туғилмасдан унга от қўйиш ҳақида ўйлаймиз. Ном шундай бўлиши керакки, исми жисмига монанд бўлсин. Бундай паллада ҳар ким ўз шахсий мулоҳазаларига асосланади. Албатта, бунда кишининг орзу-умидлари, истак ва тилаклари ёрқин акс этиб туради. Асакада тайёрлаб чиқариладиган енгил машиналарнинг номига ҳам бефарқ эмасмиз. Тўй-маъракаларда, чойхонадаги суҳбат кезларида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида ишлаб чиқариладиган енгил машиналарга ном беришда турли мулоҳазалар билдирилмоқда.

Менинг ҳам бу ҳақда шахсий мулоҳазаларим бор. Мақолани қайта-қайта ўқиб, қуйидаги фикрлар қўзғалди:

1) Ўзбекистонда тайёрланадиган енгил машинага «Асако» номи берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, қўшма корхона бўлгач, ташкилотчи давлатлар тилидаги оҳанглар маълум маънода акс этса, нур устига нур бўларди. Бунда мен «Асако» сўзидан «Ас»ни ва Корея сўзидан «Ко»ни назарда тутяпман.

2) Кичик автобусларни «Аскор» деб атасак. Бунда ҳам Асака ва Корея сўзларининг биринчи бўғинларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3) Икки тонна юк кўтарадиган кичик машинага оддийгина қилиб «Асака» деган ном қўйишни таклиф этаман. Бунда машина туғилган даргоҳнинг номи улуғланишини жуда истаганимни таъкидламоқчиман.

Яна бошқа мулоҳазалар ҳам бор. **Қашқадарё вилоят, Усмон Юсупов туманида чиқадиган «Шонли йўл» рўзномаси масъул котиби Болта Қаюмов** ўз фикрини қуйидагича изоҳлайди:

— Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўшма корхоналар қуриш йўлидан борилаётгани айни муддао. Бу йўл жаҳон иқтисодиёти амалиётида кўп марта синовдан ўтган ва ўзини оқлаган. Шу маънода автомобиль ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этишга киришилгани таҳсинга лойиқ.

Унинг Асака шаҳрида қурилаётганига келсак, иқтисодиётдаги кўп жиҳатлар ҳисобга олинганини кўрсатади. Биринчидан, Асакада трактор прицеплари ишлаб чиқариш билан шуғулланган қарийб тайёр кадрлар бор. Иккинчидан, касб ўрганишга иштиёқманд ёшлар Андижонда оз эмас. Шу ва бошқа омиллар ҳисобга олиниб енгил машиналар тайёрлаб чиқаришга Фарғона водийсидаги сўлим маскан Асака шаҳри танланганини маъқул, деб ўйлайман.

Машналарга ном беришга келсак, таклифларим мана бундай: «АСА» (Асака), «АСКО» (Асака—Корея), «АСКОР» (Асака — Корея), «Ўзбек» (Ўзбекистон), «ЎзАС» (Ўзбекистон Асакаси), «АС» (Асака), «Ўзбекистон».

Ана шу номлар ва қисқарма сўзлардан ташкил топган атамалар узукка кўз қўйгандек бўларди, деган ниятдаман. Агар шу номлардан биронтаси маъқул кўрилса ҳам ғоят миннатдор бўлардим.

— Газетангизнинг 30 июль сонидаги мақолани ўқиб, тўғриси, жуда ҳаяжонландим, — **дебди Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногирони, Жиззах шаҳар, Бирлик кўча, 14-уйда истиқомат қилувчи Мели Абдуллаев.** — Ўзбекистон Республикамиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидан бораётганидан беҳад хурсандман.

Ўзбекистон автомобилларига ном қўйиш ҳақида фикр билдиришга жазм этдим. Дастлабки автомобилларимизнинг номи «Умид» бўлса. Бунда мен мустақил Ўзбекистон халқ хўжалиги тараққиётига ўз машиналаримиз яхши хизмат қилишидан умидворлик туйғумни ифода этиш ниятидаман. Иккинчи фикрим — машиналарнинг бирига «ЎзКО—93» номи қўйилса. Чунки қўшма корхона ташкилотчилари сифатида ҳар иккала давлат — Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги машина номида акс этиши, бу ҳамкорлик 1993 йилда рўёбга чиққани билиниб тургани яхши.

Бухоро дорилфунунининг **сиёсий тарих кафедраси доценти Равшан Эшонқулов** таҳририятга ёзган мактубини: «Истиқлолдан айланай ва унинг фидойиси бўлай», — деган сўзлар билан бошлабди. Истиқлол бизга, деб таъкидлайди домла, диннимизни, имонимизни, тилимизни қайтариб берди. Энди аста-секин еримизни, барча мулкимизни ,ғурур ва мағрурлигимизни қайтариб бермоқда.

Оллоҳ-таолога минг қатла шукур, илоҳо кўз тегмасин, Ўзбекистонда истиқлол туфайли хосиятли воқеалар рўй беряпти. Мамлакатимиз — юртимиз тинч-осойишта эканини қадрлашимиз керак. Энди узоқни ўйлаш лозим бўлади. Келажак истиқлолнинг мустаҳкамланишига боғлиқ. Истиқлолнинг биринчи автомобили Асакада чиқарилар экан, унинг номини катта ифтихор билан «Истиқлол» деб аташ тарафдориман. Бу ном дунёдаги қарийб 1,5 миллиард фуқароси бўлган Ислом олами учун бирдек тушунарли.

— Менга қолса, Асакада чиқарила бошлайдиган автомобилларнинг бирига «Амир Темур» деган ном қўйиш керак, — дейди **Тошкент вилоят Зангиота районидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Убайдулла Ваҳобов.** — Негаки, мустақиллик даврида Ўзбекистон ишлаб чиқарадиган автомобиль бобомиз Амир Темурдек қудратли, ўз йўлидан қайтмас, шуҳратли ва азамат бўлсин. Ана шунда янги нусҳадаги ўз машинамизни минган ҳайдовчи ҳам уни мағрур бошқаради ва манзилларга бехатар етказиш ниятини қалбига жо қилади, деб ўйлайман.

...Хатлар, хабарлар, мақолалар, таҳририятга қўнғироқлар оқими тинимсиз давом этмоқда. Уларда биринчи Ўзбекистон автомобили чиқарила бошлашидан ғурур-ифтихор туйғулари барқ уриб турибди, дастлабки енгил машиналаримизга ном қўйиш ҳақида турли-туман фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Хўш, азиз муштарий, Сизнинг фикрингиз қандай? Даврага қўшилинг, мулоҳазаларингизни билдиришга шошилинг! Эҳтимол, Сиз бошқача мулоҳаза билдирарсиз.

Мактубларни шарҳловчи
Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири.

VITA
UZBEKISTAN-BELGIUM

«В И Т А»
ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛЬГИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
СИЗЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА ҚУТЛАЙДИ!
СИЗЛАРГА ОМАД ЁР БЎЛАВЕРСИН!
РЕСПУБЛИКА РАВНАҚИ ЙЎЛИДА СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИЗ!
КЕЛИНГ, МАРҲАМАТ!
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700125, Тошкент шаҳри, Горький шоҳ кўчаси, 95-уй, 31-32 хонадон. Телефонлар: (3712) 63-17-33, 63-09-92, 62-47-87, 62-43-46. Факс: (3712) 62-55-98. 11-63-83. BROK SU. Телетайп — 11-61-91 ВИТА.

ДОРИЛФУНУНИ

— озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

— бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устиворлик берилиши;

— чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак.

Иқтисодий соҳада:

— миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин

16.

ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш;

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, тайёрга айёрликни батамом тугатиш;

— мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакли — ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш. Шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналаштирилганига барҳам бериш;

— иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам бериш, корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш. Давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш. Буйруқбозлик билан ўз ҳукмини ўтказиб, тазйиқ қилиш, ҳамма нарсани тўраларча белгилаб, чеклаб қўйиш каби ўзини оқламаган эски усулларни қатъиян тугатиш. Иқтисодий воситалар устун мавқени эгаллайди;

— меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш;

17.

— табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик. Бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни қутқариш, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг иқтисоди ва ижтимоий соҳасидаги фалокати оқибатларини бартараф этиш.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

— инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шараф ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш;

— маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

— қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига

18.

ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

— ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яккаҳокимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динга амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом — ота-боболаримизнинг дини — мусулмонларнинг онги, турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради;

— ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш кафолатидир;

ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга

(Давоми бор).

19.

● Онамдек азиз, серқуёш, сержило диёримсан, Ўзбекистоним! Икки буюк дарё — Амударё ва Сирдарё оралиғидаги Ислом нури тушган муқаддас заминсан. Жаннатсимон ўлкасан! Боғ-роғлар, ям-яшил яйловлар, серсув, жўшқин дарёлар, осмонўпар тоғлар юртисан!

Сенинг тарихинг асрлар қаърига бориб тақалади. Қадимий манбаларда, Зардўштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сўғдиёна дунёнинг энг гўзал ўлкаларидан деб таъриф-тавсиф этилган.

Кўҳна тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини варақлаймиз. Ҳа, жуда қадим замонлар тарихи мужассам унда. Милоддан олдинги 329—328 йиллар... Қарийб икки минг йил илгари эди ўшанда. Бухоро, Самарқанд, Шош кентлари... Олий салтанатлар мавжуд эди. Савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, шоҳона саройлар атрофида олиму-фузалолар, шоиру ғазалхонлар, раққосалар файз киритарди базмларга. Кўз олдингизга бир келтиринг: Хоразм шоҳи Фарасман Самарқандга, буюк Искандар Зулқарнайн ҳузурига ташриф буюриб, сулҳ, дўстона муносабатлар олиб боришни таклиф этган. Ҳа, ўшанда пойтахти Самарқанд бўлган Сўғдиёна Шарқда ягона давлат сифатида мавжуд эди.

Сомонийлар сулоласи Ўрта Осиё, Афғонистоннинг Балх, Ҳирот, Кобул ва Эроннинг Деҳистон, Систон, Ғазна, Хуросон каби шаҳру-вилоятларини ўз ичига олган давлатга қарийб минг йиллар давомида ҳукмронлик қилди. Бу даврда маърифат, илму-ҳукома ривож топди. Қадим Бухоронинг оламга машҳур кутубхонасида Ибн Синодек буюк аллома таълим олган. Ўзининг жаҳонга машҳур «Ал Қонун»ини, шоҳ рисолаларини битган. «Агар Буқрот ва Жолинус тирилиб келганларида эрди, улар бу китоб олдида сажда қилган бўлур эдилар» деб ёзган эди Ибн Синодан юз йил кейин яшаган Шарқнинг машҳур алломаси Низомий Арузий (XII аср) ўзининг «Чаҳар мақола» китобида.

Қадимги Хоразм. Шоҳ Маъмун саройи ҳузурида «Мажлиси уламо» деб аталмиш «академия» мавжуд эди. Унга ўша даврнинг машҳур алломалари: Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Хайр Ҳаммар, Абу Саҳл Масихий, Абу Носир Ироқ, Ал Бухорий... кабилар аъзо эдилар. Қарангки, математика, физика, юлдузшунослик, кимё, тиббиёт, ақлий-нақлий билимларга доир жаҳонга машҳур рисолалар ўша маърифатли даврнинг маҳсулидир.

Тарих саҳифаларини яна варақлаймиз: ғоят бой ва мундарижали ўзбек элининг ўтмиши. Ахир, буюк Темур давлатининг қудратли пойтахти Ўрта Осиёда фан, маданият, маърифат ҳам равнақ топган. Ҳозиргача қадар сақланиб қолган ўлмас обидалар, Оқсарой, Бибихоним мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Самарқанд шаҳри халқимиз ақл-заковатининг маҳсули эмасми? Темур давлатининг буюк маърифий йўналиши, унинг «тузуклари»дан тортиб, бутун авлод-аждодлари томонидан қолдирилган ўлмас ёдгорликлар жаҳонга маълум ва машҳурдир. Улуғ аллома Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жадвали-ю, Жаҳонгир сулоласининг кейинги вакиллари: давлат арбоби Ҳусайн Бойқаронинг мусиқий ғазаплари, назм мулкининг султони Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари, ажиб ижод соҳиби, мусаввир Беҳзод чизгилари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си-ю, нозик ҳис тўла ғазаллари ўзбек элининг ноёб бойликлари, ўлмас маданий, маърифий ёдгорликлари эмасми?

Азиз ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг математика илми хусусидаги кашфиётлари, бухоролик аллома Наршахийнинг ўлмас рисолалари, Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» ҳикоялари, Бобораҳим Машраб, Лутфий, Атоий, Саккокий, Фурқат, Муқимийнинг нозик, халқнинг қалб-қалбига сингиб, қўшиқ бўлиб кетган ғазаллари ҳақида сўзлайми!

Аммо давр тақозоси билан сўнгги етмиш йил давомида ана шу олий инсоний туйғуларга путур етди, Илмий атеизм шиори остида ислом дини, унинг олий ахлоқий ақидалари оёқ ости қилинди. Иймон, виждондан путур кетиб, мана энди унинг натижалари ёмон оқибатларга олиб келди. Ҳатто «Наврўз»дек қадимий, муқаддас байрамни ҳам йўқ этмоқчи бўлишди. Бизнинг шарқона итоатгўйлигимиз шундай оқибатларга олиб келди, десак хато бўлмас. Натижада жамиятда вужудга келган турғунлик оқибатида, диёнатсизлик, ўғирлик, порахўрлик ва бошқа ахлоқсизликлар авж олдики, энди уларнинг оғир жабри-жафоси кўп бўлди.

Мана, энди Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Аммо ўтмиш сабоқлари шуни кўрсатдики, эркинлик, озодлик ўз-ўзидан бўлмайди. Мустақиллик учун қатъий курашиш, шу билан бирга соғлом ғоя, покиза, мустаҳкам иймон зарур. Чунки, шунча йиллар давомида бошимизга тушган барча балою-уқубатларнинг сабаби бирлигимизнинг йўқлиги, иймонимизнинг мустаҳкам эмаслиги, иродамизнинг бўшлиги, қолаверса, лоқайдлигимиздадир.

Инқилобдан кейинги йилларда халқимиз бошига тушган кулфатлар, адолатсизликлар, ҳақсизликлар ҳам аҳиллик ва бирликнинг йўқлиги, лоқайд одамларнинг фикрсизлиги туфайли юз берди. Ўзбек халқининг ажойиб фарзандлари — Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар «халқ душмани» сифатида қатл этилди. Улар гўё Ўзбекистонни Иттифоқдан ажратиб олмоқчи бўлганликлари учун миллатчиликда айбландилар. Қатағон йиллари ўзбек зиёлиларининг энг оқиллари, миллатимизнинг қаймоғи бирма-бир териб олинди. Бунда ўз ичимиздан чиққан ғаламислар, сотқин, айғоқчилар уларга қўл келди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида ҳақ йўлдан қайтмасдан Сибиринг совуқ-саҳро чўлларида, авахталарида дунёдан кўз юмган азиз ватандошларимиз — Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон, Юлдуз, машҳур давлат арбоблари — Султон Сегизбоев, Саъдулло ва Муҳиддин Турсунхўжаевлар... минглаб ватандошларимизни шу муқаддас кунларда меҳр ва фахр билан ёдга оламиз.

Бу ўткинчи дунёга кимлар келиб кетмади дейсиз. Ҳаётнинг қаҳри қаттиқлиги рост экан, азизлар. Замонанинг зайлини қарангки, кечаги ҳақиқат бугун ёлғон бўлиб чиқди. Биз ўйлаб, ишониб, меҳр қўйиб юрган нарсалар эса сароб экан. Ҳур Ўзбекистонимизнинг тараққиёти ҳам ана шу мураккаб йўлдан борди. Биз собиқ Иттифоқнинг қаттиқ ҳукми остида, теппамизда қилич турган ҳолда яшадик, меҳнат қилдик.

Тараққиётимизнинг сўнгги йилларида жумҳуриятимизга раҳбарлик қилиш атоқли давлат арбоби, машҳур адиб Шароф Рашидов зиммасига тушди. У қарийб чорак аср давомида Ўзбекистон жумҳуриятига бошчилик қилди. Шароф Рашидов оғир, мураккаб бир шароитда ишлади, давр, шароит, вазият тақозасига кўра, баъзан ўз иродасига қарши борган кезлари ҳам бўлди. Наҳотки, Шароф Рашидовдек кўп қирралари адиб ва арбоб Ўзбекистоннинг мустақиллигини орзу қилмаган бўлса! У мураккаб бир ижтимоий муҳитда қўлидан келганча Ўзбекистонимизнинг иқтисодий, маданий тараққиёт йўлида жон куйдириб меҳнат қилди.

Сиз Шароф Рашидов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар миқёсини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Вилоятларнинг марказлари: Қарши, Термиз, Андижон, Наманган, Нукус, Урганч, Бухоро қарийб қайта қурилди. Йирик завод, фабрикалар, маданият марказлари, йирик сув иншоотлари, йўллар, электр станциялари бунёд этилди. Тошкент бўлса, Шарқнинг буюк иқтисодий, маданий марказларидан бирига айланди. Тошкент метроси, Халқлар дўстлиги Саройи, ҳозирги Президентлик маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси биноси, Марказий майдон, «Тошкент» аэропорти, 16 қаватли газета корпуси, Киночилар уйи, Ҳамза театри, яна шаҳарда қурилган минг-минглаб осмонўпар бинолар, уй-жойлар, кенг, равон йўллар... барчаси Шароф Рашидов номи билан боғлиқдир.

Бироқ орамизда ғаламислар, юқорига, марказга яхши кўринишни истаганлар яна топилиб қолди. Шароф Рашидов вафотидан сўнг уни бадном қилмоқчи бўлдилар, мусулмончиликка ҳам шак келтириб, қабридан олиб бошқа жойга дафн этдилар. «Рашидовчилик» деган ибора билан ҳатто унинг сафдошларига ҳам кун бермадилар. Тошкентда Ленин кунлари муносабати билан ўтказилган одатдаги йиғинда Шароф Рашидовнинг ишонган, меҳр қўйган, тарбиялаган шогирдларидан бири Р. Нишонов гўё «рашидовчилик» нима деган маънодаги саволга ўзича жавоб бериб, ўз устозига жуда катта айблар юкини ағдарди. Бўлмаса, Р. Нишонов Шароф Рашидов билан ишлаган кезларида унга «ота» деб мурожаат этарди. Ахир ота, устоз бўлгандан кейин ўз фарзанди, шогирдига баъзан танбеҳ берган, камчиликларини айтган. Мана энди вақти келиб Шароф Рашидов ёруғ дунёдан кўз юмиб кетгач, ўша бегараз танбеҳлар учун ундан қасд олиб, номини оёқости қилиш эр кишининг иши эмас-ку?!

Шарқона итоатгўйлик, катталарнинг оғзига қараб туришдек лоқайдлик оқибатида миллатимизнинг энг яхши фарзандларини, оқил эгаларини бой бериб қўйдик. Бу тарих сабоғи, буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Халқимиз Шароф Рашидовни эъзозлаб, номини оқлаган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдордир.

Мустақиллигимизнинг бир йиллиги нишонланаётган шу масъул дамларда қилинган хайрли ишлар хусусида сўзламаслик адолатдан бўлмас. Барча ер ости бойликларимиз: нефть, олтин, рангли маъданлар, пахта, пилла, қоракўл, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жумҳуриятимизнинг ўзиникидир. Деҳқонларга берилган ерлар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийларига, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, илмий-ижодкор зиёлиларга берилган имтиёзлар, аҳолининг кам таъминланган табақаларига қилинган марҳаматли ишлар, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги дастлабки натижалар... Мустақил ташқи сиёсат соҳасидаги дастлабки қадамлар, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши, ажнабий давлатлар билан дўстона дипломатик алоқаларнинг бошланиши, Ўзбекистоннинг бир қанча халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, қўшма корхоналарнинг очилиши... Ўз Гербимиз, Олий Кенгашимиз бор. Мустақиллик майдонида Ўзбекистоннинг ўз Давлат байроғи қилпираб турибди.

Мустақилик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар! Энди барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қон-қардош бўлиб, қудратли, Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлайлик Бузғунчилик, ғийбат, бекорчи митингбозлик, йиғинларга ўрин қолмасин. Республикамизнинг ҳақиқий ватанпарвари буни яхши тушуниши керак. Тарих сабоқларини унутмайлик, ноаҳиллик миллатимизни хароб этади, Олмаота, Душанбе, Молдова, Уш, Кавказдаги фожиалар ҳеч қачон бошимизга тушмасин! Бобокалонларимиз фотиҳаға қўл очганда тинчлик, осойишталик, омонлик бўлсин, дейишади. Бу сўзларнинг маъноси катта. Зеро, Ўзбекистоннинг улкан тараққиёти, мустақиллиги, халқимизнинг бахтли ҳаёти, келажак фаровонлигининг калити ҳам шунда.

Мустақиллик абадий бўлсин!

Мақсуд ҚОРИЕВ



ИҚБОЛ ҚУЁШИ

Умидимиз борки, иқболимиз қуёши чиқажак, Зиндон қоронғуликлари ҳам ахир ниҳояга етажак.

Бу севимли ўзбек шоираси Нодирабегимнинг қарийб юз йил илгари битган ўтли сатрларидан бир шингил. Муҳими шундаки, ўтмишда ёниб, ўртаниб гўзал диёримиз мадҳини куйлаган Увайсий, Маҳзуна, Зебунисо, Нозимахоним, Анбар отин сингари ўзбек шоиралари тарихимизнинг ўчмас саҳифаларидан муносиб ўрин олганлар. Ўтмиш тарихимиздан, ўзбек халқининг донишидан ҳикоя қилувчи рисолалар битмас туганмасдир. Минг-минглаб жилдлардан иборат бу рисолалар Шарқ қўлёзмалари олийгоҳининг олтин хазинасида авайлаб сақланмоқда.

Ўзбек халқидек жафокаш, камтарин, муслим, олижаноб халқ қаерда бор. Унинг меҳнатсеварлиги, итоатгўйлиги ё болажонлиги хусусида битайми?! Ўзбегимнинг маънавий дунёси кенг, бой. Халқимизга хос бўлган ҳис-туйғулар, ахлоқ-одоб қоидалари инсонийлик ғоялари билан суғорилгандир. Улар бобокалонларимиздан мерос қолган ҳамда ўзида инсонга меҳр-шафқат, ҳамият, мурувват, иззат-икром, мустаҳкам иймон, виждон бахш этувчи қадриятлар, урфиялар, анъаналар, байрамлардир. Йиллар, асрлар давомида ана шу покиза, инсоний ғоялар билан яшадик.

Мустақиллигимизнинг бир йиллиги ниҳоясида ана шу олий инсоний туйғуларга путур етди, Илмий атеизм шиори остида ислом дини, унинг олий ахлоқий ақидалари оёқ ости қилинди. Иймон, виждондан путур кетиб, мана энди унинг натижалари ёмон оқибатларга олиб келди. Ҳатто «Наврўз»дек қадимий, муқаддас байрамни ҳам йўқ этмоқчи бўлишди. Бизнинг шарқона итоатгўйлигимиз шундай оқибатларга олиб келди, десак хато бўлмас. Натижада жамиятда вужудга келган турғунлик оқибатида, диёнатсизлик, ўғирлик, порахўрлик ва бошқа ахлоқсизликлар авж олдики, энди уларнинг оғир жабри-жафоси кўп бўлди.

Мана, энди Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Аммо ўтмиш сабоқлари шуни кўрсатдики, эркинлик, озодлик ўз-ўзидан бўлмайди. Мустақиллик учун қатъий курашиш, шу билан бирга соғлом ғоя, покиза, мустаҳкам иймон зарур. Чунки, шунча йиллар давомида бошимизга тушган барча балою-уқубатларнинг сабаби бирлигимизнинг йўқлиги, иймонимизнинг мустаҳкам эмаслиги, иродамизнинг бўшлиги, қолаверса, лоқайдлигимиздадир.

Инқилобдан кейинги йилларда халқимиз бошига тушган кулфатлар, адолатсизликлар, ҳақсизликлар ҳам аҳиллик ва бирликнинг йўқлиги, лоқайд одамларнинг фикрсизлиги туфайли юз берди. Ўзбек халқининг ажойиб фарзандлари — Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар «халқ душмани» сифатида қатл этилди. Улар гўё Ўзбекистонни Иттифоқдан ажратиб олмоқчи бўлганликлари учун миллатчиликда айбландилар. Қатағон йиллари ўзбек зиёлиларининг энг оқиллари, миллатимизнинг қаймоғи бирма-бир териб олинди. Бунда ўз ичимиздан чиққан ғаламислар, сотқин, айғоқчилар уларга қўл келди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида ҳақ йўлдан қайтмасдан Сибиринг совуқ-саҳро чўлларида, авахталарида дунёдан кўз юмган азиз ватандошларимиз — Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон, Юлдуз, машҳур давлат арбоблари — Султон Сегизбоев, Саъдулло ва Муҳиддин Турсунхўжаевлар... минглаб ватандошларимизни шу муқаддас кунларда меҳр ва фахр билан ёдга оламиз.

Бу ўткинчи дунёга кимлар келиб кетмади дейсиз. Ҳаётнинг қаҳри қаттиқлиги рост экан, азизлар. Замонанинг зайлини қарангки, кечаги ҳақиқат бугун ёлғон бўлиб чиқди. Биз ўйлаб, ишониб, меҳр қўйиб юрган нарсалар эса сароб экан. Ҳур Ўзбекистонимизнинг тараққиёти ҳам ана шу мураккаб йўлдан борди. Биз собиқ Иттифоқнинг қаттиқ ҳукми остида, теппамизда қилич турган ҳолда яшадик, меҳнат қилдик.

Тараққиётимизнинг сўнгги йилларида жумҳуриятимизга раҳбарлик қилиш атоқли давлат арбоби, машҳур адиб Шароф Рашидов зиммасига тушди. У қарийб чорак аср давомида Ўзбекистон жумҳуриятига бошчилик қилди. Шароф Рашидов оғир, мураккаб бир шароитда ишлади, давр, шароит, вазият тақозасига кўра, баъзан ўз иродасига қарши борган кезлари ҳам бўлди. Наҳотки, Шароф Рашидовдек кўп қирралари адиб ва арбоб Ўзбекистоннинг мустақиллигини орзу қилмаган бўлса! У мураккаб бир ижтимоий муҳитда қўлидан келганча Ўзбекистонимизнинг иқтисодий, маданий тараққиёт йўлида жон куйдириб меҳнат қилди.

Сиз Шароф Рашидов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар миқёсини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Вилоятларнинг марказлари: Қарши, Термиз, Андижон, Наманган, Нукус, Урганч, Бухоро қарийб қайта қурилди. Йирик завод, фабрикалар, маданият марказлари, йирик сув иншоотлари, йўллар, электр станциялари бунёд этилди. Тошкент бўлса, Шарқнинг буюк иқтисодий, маданий марказларидан бирига айланди. Тошкент метроси, Халқлар дўстлиги Саройи, ҳозирги Президентлик маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси биноси, Марказий майдон, «Тошкент» аэропорти, 16 қаватли газета корпуси, Киночилар уйи, Ҳамза театри, яна шаҳарда қурилган минг-минглаб осмонўпар бинолар, уй-жойлар, кенг, равон йўллар... барчаси Шароф Рашидов номи билан боғлиқдир.

Бироқ орамизда ғаламислар, юқорига, марказга яхши кўринишни истаганлар яна топилиб қолди. Шароф Рашидов вафотидан сўнг уни бадном қилмоқчи бўлдилар, мусулмончиликка ҳам шак келтириб, қабридан олиб бошқа жойга дафн этдилар. «Рашидовчилик» деган ибора билан ҳатто унинг сафдошларига ҳам кун бермадилар. Тошкентда Ленин кунлари муносабати билан ўтказилган одатдаги йиғинда Шароф Рашидовнинг ишонган, меҳр қўйган, тарбиялаган шогирдларидан бири Р. Нишонов гўё «рашидовчилик» нима деган маънодаги саволга ўзича жавоб бериб, ўз устозига жуда катта айблар юкини ағдарди. Бўлмаса, Р. Нишонов Шароф Рашидов билан ишлаган кезларида унга «ота» деб мурожаат этарди. Ахир ота, устоз бўлгандан кейин ўз фарзанди, шогирдига баъзан танбеҳ берган, камчиликларини айтган. Мана энди вақти келиб Шароф Рашидов ёруғ дунёдан кўз юмиб кетгач, ўша бегараз танбеҳлар учун ундан қасд олиб, номини оёқости қилиш эр кишининг иши эмас-ку?!

Шарқона итоатгўйлик, катталарнинг оғзига қараб туришдек лоқайдлик оқибатида миллатимизнинг энг яхши фарзандларини, оқил эгаларини бой бериб қўйдик. Бу тарих сабоғи, буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Халқимиз Шароф Рашидовни эъзозлаб, номини оқлаган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдордир.

Мустақиллигимизнинг бир йиллиги нишонланаётган шу масъул дамларда қилинган хайрли ишлар хусусида сўзламаслик адолатдан бўлмас. Барча ер ости бойликларимиз: нефть, олтин, рангли маъданлар, пахта, пилла, қоракўл, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жумҳуриятимизнинг ўзиникидир. Деҳқонларга берилган ерлар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийларига, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, илмий-ижодкор зиёлиларга берилган имтиёзлар, аҳолининг кам таъминланган табақаларига қилинган марҳаматли ишлар, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги дастлабки натижалар... Мустақил ташқи сиёсат соҳасидаги дастлабки қадамлар, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши, ажнабий давлатлар билан дўстона дипломатик алоқаларнинг бошланиши, Ўзбекистоннинг бир қанча халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, қўшма корхоналарнинг очилиши... Ўз Гербимиз, Олий Кенгашимиз бор. Мустақиллик майдонида Ўзбекистоннинг ўз Давлат байроғи қилпираб турибди.

Мустақилик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар! Энди барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қон-қардош бўлиб, қудратли, Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлайлик Бузғунчилик, ғийбат, бекорчи митингбозлик, йиғинларга ўрин қолмасин. Республикамизнинг ҳақиқий ватанпарвари буни яхши тушуниши керак. Тарих сабоқларини унутмайлик, ноаҳиллик миллатимизни хароб этади, Олмаота, Душанбе, Молдова, Уш, Кавказдаги фожиалар ҳеч қачон бошимизга тушмасин! Бобокалонларимиз фотиҳаға қўл очганда тинчлик, осойишталик, омонлик бўлсин, дейишади. Бу сўзларнинг маъноси катта. Зеро, Ўзбекистоннинг улкан тараққиёти, мустақиллиги, халқимизнинг бахтли ҳаёти, келажак фаровонлигининг калити ҳам шунда.

Мустақиллик абадий бўлсин!

ДИҚҚАТ: КЎРИК-КОНКУРС!

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар даражасига кўтаришдек улуғ ишда ёшларнинг ўрни ва хизмати бениҳоя катта. Ёшларни бу муқаддас ва қутлуғ ишга кенг жалб қилиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги шарафига бағишлаб Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон Жамғармаси техника, иқтисодиёт, тиббиёт-экология ва маданият соҳасида ўта қобилиятли ёшларни саралаш, уларнинг кашфиётчилик, изланувчанлик, топқирлик, ҳозиржавоблик каби фазилатларини аниқлаш мақсадида кўрик-конкурс эълон қилади.

«Истеъдодларни излаймиз» кўрик-конкурсининг шиорлари:

Кашфиёт эт, Ўзбекистоним!
Ижод эт, Ўзбекистоним!
Саломат бўл, Ўзбекистоним!
Ўзбекистонни асрагин!

Кўрик-конкурсда мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, техникум, олийгоҳ талабалари ва 35 ёшгача бўлган жумҳуриятимиз йигит-қизлари қатнашиши мумкин.

Кўрик-конкурсда иштирок этиш учун қуйидаги ишлар топширилиши мумкин:

«Кашфиёт эт Ўзбекистоним!» — Техника ижодиёти бўйича қилинган ихтиро. Кашфиёт ва янгиликлар, мавжуд яратилган машина ва қўлланмалар кўргазмаси, моделлар, оригинал лойиҳалар ва конструкторлик ишланмалари.

«Ижод эт, Ўзбекистоним!» — Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб, адабий, тасвирий санъат — қўшиқ, ҳайкалтарошлик, журналистика соҳаларида яратилган энг яхши бадиий асар ва ижрочилик фаолияти.

«Саломат бўл, Ўзбекистоним!» — Даволашнинг текшириб кўрилган янги усули ва даволаш препарати, янги медицина асбоб-ускуналари, даволашнинг самарали усуллари.

«Ўзбекистонни асрагин» — Инсонларнинг экология саломатлиги ва тинчлигини сақлаш учун янги техник қурилмалар ва усуллар; атроф-муҳитни ифлосликдан сақловчи мустаҳкам технология, янги экология лойиҳа ва тадбирлар.

Кўрик-конкурс 1992 йил 1 сентябрдан бошланади, якунлари 1992 йил 15 декабрдан 1993 йил 1 январгача кўриб чиқилади.

Кўргазма зали Тошкент Давлат Техника дорилфунуни биносида.

Конкурс иштирокчилари материалларини Улуғбек жамғармасига (Тошкент шаҳар, Шайҳантоур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй, 5-қават) топширишлари мумкин. Телефон 39-11-00.

Кўрик-конкурс ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутади.

Туркия саёҳати учун 4 та йўлланма.

Биринчи ўринни эгаллаган 6 ғолибга 12 минг сўмдан;

Иккинчи ўринни эгаллаган 10 ғолибга 6 минг сўмдан;

Учинчи ўринни эгаллаган 10 ғолибга 4 минг сўм пул мукофоти.

Шунингдек ғолиблар учун 20 та диплом ажратилган.

Улуғбек жамғармаси истеъдодли ёшларнинг бундан кейинги ижодий, илмий фаолиятларини кузатиб боради. Лозим бўлганда манавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг бир йиллиги байрами арафасида республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб равишда ҳимоя қилаётган спортчи ва устозларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати «Хизмат кўрсатган спорт устози» ва «Хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур унвонлар тўғрисидаги низомлар ҳамда тегишли кўкрак нишонлари тасдиқланди.

АДИБЛАР «ЮЛДУЗ»ДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ташаббуси билан ёзувчи ва шоирларнинг жойларда республика мустақиллиги кунига бағишланган учрашувлари пойтахтда давом этди.

Шундай мулоқотлардан бири кеча Тошкент шаҳридаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасида бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, Шукрулло, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибаси, шоира Гулчеҳра Нуруллаева-лар қатнашдилар. Адиблар мустақилликнинг аҳамияти ҳақида сўзладилар, ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Сўнгра Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби, Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Х. М. Абдураимов халқ партиясининг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти ҳақида гапирди, бирлашмадаги ХДП аъзоларига партия билетларини тантанали топширди.

А. РЎЗИЕВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
- ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
- ИСТИБДОД ЗУЛМАТИДАГИ ЮЛДУЗЛАР
- ФЕРМЕР У. ШОЙИМОВ: «МЕНИ МИЛЛИОН

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

31 август— 6 сентябрь

Душанба, 31. VIII

МАРҲАБО, МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ!

● ЎзТВ I

7.00 «Ер ости бойликлари», «Фермерлар», «Наманган сеҳргарлари». «Ўзбектелефильм» премьералари.

*

8.05 Санъат усталарининг концерти.
8.45 «Кичкина деманг бизни...». Спорт кўрсатуви.
9.20 «Сўнгги таътил». Бадиий фильм.
10.45 «Халқим». Адабий-мусиқий композиция.
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғинч».
11.50 «Футбол майдонларида».
12.30 Болалар учун. «Ўйнаймизу, қувнаймиз».
13.05 «Учрашув». Адабий кўрсатув.

* * *

17.50 Янгиликлар.
18.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.
22.00 «Мустақиллик йўлида». «Ўзбектелефильм» премьераси.
22.10 «Узбекистон» ахборотининг махсус сони.

● ЎзТВ II

18.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.
22.00 «Мустақиллик йўлида». «Ўзбектелефильм» премьераси.
22.10 «Узбекистон» ахборотининг махсус сони.

● ЎзТВ II

18.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Обуна баҳоси: ● Бир йилга — 384 сўм. ● Ярим йилга — 192 сўм ● Уч ойга — 96 сўм.

Эслатма: обуна масалалари бўйича муаммолар ва фикр-мулоҳазалар хусусида қуйидаги телефанларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

33-79-14 33-65-45
33-72-83 33-21-43

● «ОРБИТА IV»

14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Золушка ҳузурида базмда».
9.20 «Учувчи Пирксниг тергови». Бадиий фильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.20 «Уолт Дисней таништиради...».
16.10 «Салом, мактаб!».
16.40 Мультфильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан)
17.20 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.50 «Янги номлар».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Париж — Москва —Пекин» автораллиси.
20.25 Билимлар кунига бағишланган маърифий дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Ҳақиқат онлари».
8.45 «Ишдан бўш пайтингизда «Мушуклар бизнинг дўстимиз».
9.00 «Русский» сўзи сифат турнумига киради».
9.50 Кундузги сеанс. «Биринчи бор турмушга чиқиши». Бадиий фильм.
11.25 Трансросэфир. «Тверь ракурси».
12.00 Параллеллар. «Куйиб битган давр ёғдуси».
12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.35 «Санъат майдони».
13.00 Телебиржа.
13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

16.00 Мульти-пульти. «Сеҳрли олма».
16.10 Янгиликлар.
16.25 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Бир томчи сув учун».
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қушиқлар китоби».
20.05 «Фосфор ҳалқаси».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.
21.20 «Музейга ташриф». Бадиий фильм.

Сешанба, 1. IX

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

● ЎзТВ I ● ЎзТВ II

СОАТ 9.00 ДАН 24.00 ГАЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусиқий фильм.
10.10 «Марина Цветаева хотираси». Таганкадаги театрда хайрия кечаси.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Лўли». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.10 «Ён дафтар».
15.20 «Уолт Дисней таништиради...».
16.10 «Салом, мактаб!».
16.40 Мультфильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан)
17.20 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.50 «Янги номлар».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Париж — Москва —Пекин» автораллиси.
20.25 Билимлар кунига бағишланган маърифий дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Ҳақиқат онлари».
8.45 «Ишдан бўш пайтингизда «Мушуклар бизнинг дўстимиз».
9.00 «Русский» сўзи сифат турнумига киради».
9.50 Кундузги сеанс. «Биринчи бор турмушга чиқиши». Бадиий фильм.
11.25 Трансросэфир. «Тверь ракурси».
12.00 Параллеллар. «Куйиб битган давр ёғдуси».
12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.35 «Санъат майдони».
13.00 Телебиржа.
13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

16.00 Мульти-пульти. «Сеҳрли олма».
16.10 Янгиликлар.
16.25 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Бир томчи сув учун».
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қушиқлар китоби».
20.05 «Фосфор ҳалқаси».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.
21.20 «Музейга ташриф». Бадиий фильм.

Чоршанба, 2. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Бахтиёр». Фильм-концерт. «Узбектелефильм» премьераси.
8.00 «Хаёлпарастлар». Бадиий фильм.
9.05 Миллий кураш бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро мусобақа.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хуш келибсиз!», «Олтин жўжа». Мультфильмлар.
18.30 «Биринчи қўнғироқ». Мустақиллик дарси.
19.00 «Узбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Савоб». Ногиронларни иш билан таъминлаш масалалари.
19.55 Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.30 «Узбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Долзарб мавзу.
21.30 Телевизион новеллалар театри. С. Зуннунова. «Қайнноналар».
22.10 «Фаввора». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 Болалар учун фильм. «Ут юракли бола».
11.00 «Жиноят қидирув инспектори». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.50 «Микрохирурглар».
20.30 «Тиниб-тинчимас қариялар». Бадиий фильм.
21.45 «Эсдалик учун дастхат». Ретро услубида мусиқа.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Болалар мусиқий клуби».
10.30 «Лимпопо».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Лўли». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.20 «Уолт Дисней таништиради...».
16.10 «Рок-сабоқ».
16.50 «Ойдаралик дарвеш». Ҳужжатли фильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
17.40 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 1-кўрсатув.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 «Александр Солженицин». Телефильм премьераси. 1-қисм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. (Франция, АҚШ, Германия).
22.10 «Сиёсат» студияси «Харбий ревю» янги рукнини таништиради.
22.40 «Метро». Телефильм.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.
00.20 «Париж — Москва —Пекин» автораллиси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Дилетантларнинг мулоқотлари.
8.25 «Могиканлар». Режиссёр И. Сорокина.
9.05 Кундузги сеанс. «Музейга ташриф». Бадиий фильм.
11.25 «Сигнал».
11.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.00 «Олтин Остап».
12.30 «Ошиғингман, шодлигим маним».
13.15 «Кўприклар симфонияси».
13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 Христианлар учун кўрсатув.
16.40 Янгиликлар.
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Болалар хороводи».
18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара».
19.00 Хабарлар.
19.20 «Айвон».
20.10 «Қайноналар».
21.00 Хабарлар.
21.20 Мусобақалар.
22.10 «Умид таксиси».
22.40 Талабларингизга биноан...

Пайшанба, 3. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборот.
7.25 «Машрабни куйлаб». Фильм-концерт.
8.05 «Ёз учун аъло баҳо». Бадиий фильм.
9.20 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.00 «СатО». Телефильм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
18.25 «Ёшлик» оқшоми».
19.00 «Узбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари.
19.50 Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.30 «Узбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Узанини топар дарёлар». Самарқанд вилоятига бағишланади.
22.20 «Вонг хонимнинг сири». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Она табиат». Кинопрограмма.
11.30 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум».
19.00 «Тошкент кўргазма заллари бўйлаб».
19.30 «Шаҳар ҳокимияти ҳаётидан».
20.00 «Пульс». Ҳабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Рок-сабоқ».
10.30 «Ёмонлик аломати». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Лўли». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Телемикст».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 «Олтидан олти» (Болалар телевидениеси уюшмаси. Ростов-Дон).
16.40 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 2-кўрсатув.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.45 Л. Власенко чалади (фортепиано).
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Александр Солженицин». Телефильм премьераси. 2-қисм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия .
22.15 «Қора қути».
22.45 Н. Паганини. «Венеция карнавали». И. Бочкова ижро этади (скрипка).
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Евгений Мартинов хотираси».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «XX аср кадрда ва кадр ортида».
8.50 «Ўзинг ва олам билан тотувликда».
9.20 Вариацияли мавзу. А. Дольский концерти.
10.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 69-серия.
11.30 Ифодалаш санъати. Леонид Челноков. «Пион гули билан автопортрет».
12.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.35 «Пилигрим».
13.20 Мульти-пульти. «Кекса акс-садо ҳақида эртак», «Қанотлар, оёқлар ва думлар».
13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

16.00 «Терминал».
16.30 Янгиликлар.
16.45 «Келинг, бир тушуниб олайлик» (Хусусийлаштириш чеки нима?).
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.00 Хабарлар.
19.20 Мусиқий кўрсатув.
20.10 «Катта опа». Видеофильм.
20.55 Манзарали фильм.
21.00 Хабарлар.
21.20 Спорт кўрсатуви.

Жума, 4. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборот.
7.25 «Алишер Навойи». Телефильм.
8.15 «Ҳақиқат рўёбга чиқсин». Бадиий фильм.
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.25 «Томоша». Фильм-концерт.
10.55 Тижорат канали. «Зафар йўли». Денов пахта заводининг 60 йиллигига.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нонвой ва ялқов», «Чархпалак». Мультфильмлар.
18.25 «Чорраҳа».
19.00 «Узбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Тадбиркорга омад ҳамкор».
19.35 «Саҳро ҳукмдори». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.45 Мумтоз куйлардан концерт.
20.30 «Узбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Долзарб мавзу.
21.30 «Тараддуд». XI Тошкент халқаро кинофестивали олдидан.
22.20 «Хотира». Узбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаев таваллудининг 70 йиллигига.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
11.30 «Олтин тиш». Бадиий фильм.

* * *

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

17.00 «Турналар». Телефильм.
17.30 «Имон».
18.10 Концерт.
18.40 «Табиб». Телефильм.
19.00 «Халқ ўқитувчиси».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Туркманистон темир йўли: бугун ва эртага».
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 Кулги кечаси.
22.15 «Фудзиямага чиқиш». Бадиий фильм. 1-серия.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
9.55 «Олтидан олти» (Болалар телевидениеси уюшмаси. Ростов-Дон).
10.35 «Пичан ўрими пайти». Ҳужжатли фильм.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Лўли». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 «Рақслар, рақслар».
16.20 «Марказ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 П. И. Чайковский. «Славянча марш». Россия миллий симфоник оркестри ижро этади.
17.35 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 3-кўрсатув.
17.55 «Инсон ва қонун».
18.25 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 8-серия.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Детективлар клуби» рукни премьераси. «Ребус» итальян-испан бадиий фильми.
21.50 Рязань шаҳар «Радуница» ансамблининг концерти.

«ВИД» таништиради:

22.05 «Музобоз».
22.50 «Париж— Москва —Пекин» автораллиси. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
23.55 «Сентименталь десант». Финляндияда бўлиб ўтган мусиқий фестиваль ҳақида.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 «Тушингизга ҳам кирмаган». Бадиий фильм.
10.05 «Арс-консони». Классик куйлар ансамбли.
10.35 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 70-серия.
11.25 А. Битов ва М. Жванецкий —М. Зошченко ҳақида.
12.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Телебиржа.
13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

15.55 Янгиликлар.
16.10 Трансросэфир. «Дўстлик фестивали».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Биз ўзимизга ўхшаймиз».
18.30 «Олтойликлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 «Нозик оҳулар ўлими». Бадиий фильм.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.
23.20 «Мана шундай малика».

Шанба, 5. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
9.25 Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Холисхон». М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари ижро этади.
10.10 «Бунёдкор».
10.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар изидан».
11.30 Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи!». Телеспектакль.

Тижорат канали:

13.00 «Арнасой тонги».
13.40 «Етти хазинанинг бири».

* * *

18.00 «Маслёнкалик бузоқча». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Узбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Шатранж». «Узбектелефильм» премьераси.
19.30 «Қуйлаганда бизнинг Муҳаббат». Ўзбекистон халқ артисти М. Шамаева. Видеофильм премьераси.

◆

Қўшиқ — мисоли инсон дилидаги ёғду, ишқ ва гўзаллик элчиси. Айниқса, у сиз севган санъаткор нафасидан таралса! Бундай дилкушо, лирик тароналар Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Шамаева репертуарида ҳам оз эмас.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Бадиий кўрсатувлар таҳририяти томошабинларни хушовоз хонанда ижодига бағишланган «Қуйлаганда бизнинг Муҳаббат» номли видеофильм премьерасига таклиф этади.

Бу кўрсатувда санъат мухлисларига яхши таниш бўлган қўшиқлар қаторида янги тароналар ҳам янграйди. Ушбу мусиқали видеофильмни Анвар Исроилов, Аҳмаджон Юнусов сценарийси асосида режиссёр Абдулла Мирзаев тасвирга туширган.

◆

20.30 «Туркистон» ахборот.
21.00 Футбол. Узбекистон биринчилиги. Олий лига. «Пахтакор» — «Наврўз» (Андижон). «Қибрай» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
22.30 «Дунё». Бадиий фильм. (Ҳиндистон). 1—2-серия.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

10.45 Телефильм.
11.00 Янгиликлар.
11.10 Мультфильмлар тўплами.
11.30 «Тойчоқни ким эркалатади!». Телефильм.
11.55 Болалар учун фильм. «Давроннинг бошидан кечирганлари».
13.00 «Оба дурмуши».

* * *

17.05 «Ютуқ». Ҳужжатли фильм.
17.25 «Яхшилик қил».
18.25 «Тренер керакмн!». Телефильм.
18.35 Адабий кўрсатув.
19.35 Дутор оҳанглари.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Осиё овози». Концерт.
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Едиген».
22.45 «Фудзиямага чиқиш». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

5.40 Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Моторлар оламида».
8.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
8.25 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
8.55 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси.
9.25 «Эльдорадо».
9.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
10.10 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
10.40 «Мусиқий дўкон».
11.10 «Янгра, гармонь». Костромадан кўрсатилади.
11.55 «Курия: мамлакат, одамлар, спорт». 2-кўрсатув.
12.25 «Иккинчи ҳақиқат». Телефильм премьераси.
13.50 «Саҳро кемаси». Мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Зазеркалье». «Довюрак темирчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
15.40 «Авиакосмик салон».
15.55 «Қизил квадрат».
16.35 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 4-кўрсатув.
16.55 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
17.20 «Бахтли тасодиф».
18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Биринчи қон чиққунча». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Тўлқинлар бўйлаб чопаётган ҳақида қисса». Телефильм.
20.40 «Денгиз ёқасида бир кун». С. Ротару куйлайди.
21.55 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Бедорлар клубида «Ғалати леди» бадиий фильми (Германия). Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Дарё ёқасидаги черков». Ҳужжатли фильм.
7.50 «Ҳалфана».
8.30 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.
9.00 «Агар сиз...».
9.30 «Мусиқий қишлоқ».

*

10.00—13.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

13.00 Кундузги сеанс. «Золушка». Бадиий фильм.
14.20 «Мен XX асрдан чарчадим».
14.50 «Ҳумо қуши». Мультфильм премьераси (Япония). 1-серия.
15.50 «Келинг, бир тушуниб олайлик» (Хусусийлаштириш чеки нима?).
16.00 Рақс марафони. Бал рақслари танлови. Европача рақслар программаси.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.45 Концерт.
17.30 Хабарлар.
17.45 Концерт.
18.15 «Инсоният бойлиги». Видеофильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Туркия ғорлари».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Карнавал». Бадиий фильм. 1-серия.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Тилла шпора».
21.50 «Карнавал». Бадиий фильм. 2-серия.

Якшанба, 6. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Туркистон» ахборот.
8.30 «Шоҳруҳ» клуби.
9.00 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг яккахон Нафиса Тўхтаева куйлайди.
9.40 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
11.00 «Хазина».
11.50 «Янги ўқув йилида адабиёт дарслари».
12.20 «Ансамбль». «Узбектелефильм» премьераси.
12.40 «Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси».

Тижорат канали:

13.40 «Меҳнатим — фахрим».
14.05 Чиноз омухта-ем тайёрлаш корхонасининг бир куни.

* * *

18.00 «Сеҳрли сандиқ», «Эҳтиёт бўлинг, маймунлар!», «Ўйинқароқ болалар». Мультфильмлар.
18.30 «Кичкинтой» студияси. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур».
19.00 «Узбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Барҳаёт наволар». Ҳофиз Расулқори Мамадалиев.
20.30 «Узбекистон» ахборот.
21.00 «Узбекистон — Ватаним маним». Узбекистон Республикасининг Мустақиллик байрамига бағишланган видеофильм премьераси.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.00 Янгиликлар.
11.10 Мультфильмлар тўплами.
11.55 Болалар учун фильм. «Совға».
13.00 «Туркмен сеси».

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

19.05 «Қароқчилар ва созандалар», «Нимага туялар янтоқ ейди!». Мультфильмлар.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Нуска» студияси таништиради: «Олов сўниб қолмасин учун» (рус тилида).
20.50 «Эл дуйнасу» кўрсатуви.

● «ОРБИТА IV»

5.20, 14.15, 17.40, 21.45— Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.45 Қалмиқ Давлат рақс ансамблининг концерти.
8.15 «Эрта саҳарлаб».
8.45 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.15 Мультфильмлар.
9.35 «Тонг юлдузи».
10.25 «Пи» белгиси билан.
11.15 «Янги авлод танлайди».
12.05 Я. Френкель ва К. Ваншенкин қўшиқлари ва романслари.
12.55 Илмий-оммабоп фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.05 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 5-кўрсатув.
15.30 «Уолт Дисней таништиради...».
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 «Қойилмақом еттовлон».

Якшанба кинокўрсатуви:

19.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Сўз ва мусиқа». Бадиий фильм (АҚШ).
21.00 «Якунлар».
21.50 «Телелоция».
22.00 «Арс». Тунги мусиқий кафеси. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Фриулидан узундан узоқ йўл». Ҳужжатли фильм.
8.15 «Худога шукур, мен эркинман».
8.45 «Хоҳ, ишонинг...».

*

9.15—12.10 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

12.10 «Ҳумо қуши» Мультфильм премьераси (Япония) 2-серия.
13.15 «М-трест».
13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
14.15 Россиянинг телевизион театри. Ф. Сологуб. «Митти шайтон».
16.25 «Буюк кишилар».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 Турк енгил мусиқаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Юзма-юз».
18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 Мусиқа кечаси.
20.00 «7 дан 77 ёшгача».
20.45 «Хонанда».
21.00 Хабарлар.
21.20 «Пазар-92».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.45 «Зулматдан зиёга». Александр Шкуратов «Триллер» театрининг супер-шоу томошалари.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 28 август сонидан олинди.

Бош муҳаррир Ш. Ё. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
№ 171. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.